# XALQ DEPUTATLARI MINGBULOQ TUMAN KENGASHI
# Q A R O R I

2022 - yil 30 - dekabr VI-54-123-6-81-K/22 Mingbuloq tumani hokimligi

**Наманган вилояти Мингбулоқ туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонуни ҳамда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2022 йил 30 декабрдаги VI-35-165-6-0-K/22-сон қарорига мувофиқ ҳамда Наманган вилояти ҳокимлигининг молия бош бошқармасининг 2022 йил 30 декабрдаги 01-14/20-01-32/2687-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Мингбулоқ тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонуни ҳамда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2022 йил 30 декабрдаги VI-35-165-6-0-K/22-сон қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг “Наманган вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 30 декабрдаги VI-35-165-6-0-K/22-сон қарорига мувофиқ, Наманган вилояти Мингбулоқ тумани маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 57 млрд. 254 млн. 750,0 минг сўм, харажатлари 194 млрд. 921 млн. 43,0 минг сўм прогноз қилинганлиги ҳамда вилоятнинг вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 137 млрд. 666 млн. 293,0 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги (2-илова) маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2023 йил учун Мингбулоқ туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2023 йил учун Мингбулоқ туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2023 йил учун туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар

нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2023 йил учун Мингбулоқ туман бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1 млрд 837 млн. 396,0 минг сўм миқдорида белгилансин.

7. 2023 йил учун вилоятнинг Мингбулоқ туман бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 601 млн. 266,0 минг сўмга белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2023 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2023 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) Мингбулоқ туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслар ер солиғи;

корхоналар айланмасидан солиқ;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

давлат активларини ижарага беришдан олинган даромадлар.

б) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушумлар;

мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича, табиий газ учун қатъий белгиланган ставкадаги акциз солиғи, нефть маҳсулотлари учун акциз солиғини (бензин, дизель, суюлтирилган газ, мотор мойи) тушумлар тегишинча 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Наманган вилояти аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ.

в) вилоят бюджети ҳамда Мингбулоқ туман бюджетлари ўртасида тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-409-сон қарорига асосан 2023 молия йилидан бошлаб:

а) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланади.

Бунда, аҳоли томонидан амалга оширилиши таклиф этилаётган тадбирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳалар пакети шаклида овозга қўйилиши;

б) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча маблағларнинг 30 фоизи туман (шаҳар)ларда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман (шаҳар)лар Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига мавжуд аҳоли сони ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, тенг улушларда йўналтирилиши;

в) ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари учун туман (шаҳар) бюджетларининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 миллиард сўм маблағ режалаштирилиши белгиланганлиги;

г) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилишининг янги тартиби ишлаб чиқилиши маълумот учун қабул қилинсин.

10. Мингбулоқ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Д.Абдуллаев), Молия бўлими (З.Журабаев), Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Мирзарахмонов) ва масъул ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджетипрогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;.

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

11. Мингбулоқ туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Мирзарахмонов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини оширишвазифаси юклатилсин.

12. Мингбулоқ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Д.Абдуллаев), Молия бўлими (З.Журабаев):

Мингбулоқ туман бюджети тасдиқланган харажатларининг (захира жамғармаси маблағларисиз) 5 фоизига тенг миқдордаги маблағлар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ҳамда маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида

шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, Мингбулоқ туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги туман бўлими, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

13. Мазкур қарор “Мингбулоқ” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

14. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **Н.Худойбердиев**

Xalq deputatlari Mingbuloq
tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-123-6-81-K/22-son
qaroriga
1-ilova

# 2023 йил учун Мингбуоқ тумани маҳаллий бюджети даромадлари прогнози

| Даромад турлари | | Сумма (минг сўмда) |
|---|---|---|
| 1 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 3 744 357 |
| 2 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 9 025 821 |
| 3 | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 778 504 |
| 4 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 2 807 817 |
| 5 | Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 65 492 |
| 6 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 1 660 250 |
| 7 | Юридик шахслар ер солиғи | 7 661 530 |
| 8 | Корхоналар айланмасидан солиқ | 4 847 062 |
| 9 | Йиғимлар | 2 115 017 |
| 10 | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | 198 567 |
| 11 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 24 350 333 |
| **ЖАМИ** | | **57 254 750** |

Xalq deputatlari Mingbuloq
tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-123-6-81-K/22-son
qaroriga
2-ilova

**2023 йил учун Наманган вилоятининг вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори**

**минг сўмда**

| **Т/р** | **Ҳудуд номи** | **Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори** |
|---|---|---|
| 1 | Мингбулок тумани | 137 666 293 |

Xalq deputatlari Mingbuloq
tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-123-6-81-K/22-son
qaroriga
3-ilova

**2023 йил учун Мингбулоқ туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдори**

| Т/р | Кўрсаткичлар | Сумма (минг сўмда) |
|---|---|---|
| | **Мингбулоқ тумани бўйича жами** | **194 921 043,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 183 739 579,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | захира жамғармаси | 1 837 396,0 |
| | Ташаббусли бюджет жамгармаси | 9 344 068,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **1** | **Мингбулоқ тумани халқ таълими бўлими** | **9 239 817,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 9 239 817,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **2** | **Мингбулоқ тумани мактабгача таълим бўлими** | **19 516 291,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 19 516 291,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **3** | **Мингбулоқ тумани тиббиёт бирлашмаси** | **57 596 157,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 57 596 157,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **4** | **Мингбулоқ тумани маданият бўлими** | **3 520 793,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 3 520 793,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **5** | **Мингбулоқ тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими** | **920 990,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 920 990,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **6** | **Мингбулоқ туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби** | **2 650 842,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 650 842,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **7** | **Мингбулоқ тумани бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими** | **683 670,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 683 670,0 |
| | шундан: | |

| | | |
|---|---|---|
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **8** | **Мингбулоқ тумани молия бўлими** | **1 348 824,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 348 824,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **9** | **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Мингбулоқ тумани муассасалари** | **485 521,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 485 521,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **10** | **Халқ депутатлари Мингбулоқ тумани Кенгаши** | **203 182,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 203 182,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **11** | **Мингбулоқ тумани ҳокимлиги** | **73 452 847,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 62 271 383,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | захира жамғармаси | 1 837 396,0 |
| | Ташаббусли бюджет жамгармаси | 9 344 068,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **12** | **Мингбулоқ тумани маҳалла ва нуронийлар қуллаб-қувватлаш бўлими** | **3 485 115,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 3 485 115,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **13** | **Мингбулоқ тумани Ёшлари ишлари агентлиги бўлими** | **3 983 827,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 3 983 827,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **14** | **Мингбулоқ тумани оила ва хотин-қизлар бўлими** | **2 594 137,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 594 137,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **15** | **Мингбулоқ тумани ободонлаштириш бошқармаси** | **11 604 341,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 11 604 341,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **16** | **Мингбулоқ тумани ирригация бўлими** | **2 530 380,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 530 380,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **17** | **Мингбулоқ туман қишлоқ хўжалиги бўлими** | **1 104 309,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 104 309,0 |
| | шундан: | |
| | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар | |

| | | |
|---|---|---|
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |

Xalq deputatlari Mingbuloq
tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-54-123-6-81-K/22-son
qaroriga
4-ilova

**2022 йил учун Наманган вилоятининг вилоят ва Мингбулоқ тумани бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиланадиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек солиқ бўлмаган тўловлар**

| Т/р | Солиқлар ва тўловлар турлари | Ажратмалар нормативлари (фоиз ҳисобидан) | |
|---|---|---|---|
| | | Туман бюджетига | Вилоят бюджетига |
| 1 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 100% | 0% |
| 2 | Юридик шахслар ер солиғи | 100% | 0% |
| 3 | Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи | 0% | 100% |
| 4 | Корхоналар айланмасидан солиқ | 100% | 0% |
| 5 | Давлат божи | 0% | 100% |
| 6 | Жарималар | 0% | 100% |
| 7 | Йиғимлар | 100% | 0% |
| 8 | Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари | 0% | 100% |
| 9 | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | 100% | 0% |
| 10 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 60% | 40% |
| 11 | Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушумлар | 0% | 100% |
| 12 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 0% | 100% |